



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 13 июль, № 137 (5052)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кучайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 45 215 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 88 845 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 45 215 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 88 845 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 54 265 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,2 баравар оширилиши уларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун мuddатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш

вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши 90 фоиз миқдоридан республика давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда 10 фоиз миқдоридан бюджет муассасалари ва ташкилотлари сметалари бўйича харажатларни мақбуллаштириш ҳисобидан;


пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши республика давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ҳўжалик ҳисобидаги бирлашма, корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.



ФАЙЗ-БАРАКА САХОВАТИ

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, корхоналарда олиб борилаётган модернизация шилари, шунингдек, уларнинг техник ва технологик қайта жиҳозланиши натижасида нафақат маҳсулот тури кўпаяпти, балки уларнинг сифати ҳам тобора яхшиланиб бораётир.

Бундай ижобий ўзгаришларни «Уздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар фаолиятида ҳам яққол кузатишимиз мумкин. Зотан, ҳозирда компания таркибидagi корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган юқори навли ун ва ун маҳсулотлари халқимиз эhtiбжини таъминлаётган бўлса, тури ширинликлар тўйимлилиги ҳамда мазали таъми билан харидорлар этиборига тушмоқда. Корхоналарга замонавий хориж ускуналарининг жалб этилаётгани эса муваффақиятлар омил бўлаётир.

Бу борада, масалан, «Косон дон» масъулияти чекланган жамиятининг «Фузор ун» филиалида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, филиалга ўтган йили хориждан замонавий технология олиб келиб ўрнатилган, бу ерда бир кеча-кундузда 80 тонна ун ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Корхонада бугунги кунгача 8 минг тонна бугдга қайта ишланиб, 6100 тонна биринчи навли ун ис-

теъмолчиларга етказиб берилди. Бундан ташқари, Германия технологияси билан жиҳозланган чехда пиширилаётган нон маҳсулотларига ҳам талаб ортиб бормоқда. Жорий йилнинг апрель ойидан иш бошлаган мазкур чехда бир кеча-кундузда 4 минг дона қолипни нон тайёрланиб, Фузор ва Деҳқонobod тумани аҳолисига етказиб берилмоқда. **СУРАТДА:** корхона ишчилари Боймурод Бердиев ва Илос Туронов. **Собиер НАРЗИЕВ олган сурат.**

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг муқаддас ва гўзал юртимиз заминида ҳар томонлама овоз ва обод Ватан, эркин ва фарон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга олиб мақсад қилиб қўйдик. Бунда айнан «озод» ва «обод» деган тушунчаларга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта.

Нега деганда, озодлик ва ободлик халқимиз учун қадим замонлардан бошлаб ўзаро муштарак, энг азиз, энг эзгу қадрият бўлиб келади.

Шу ўринда бир ўйлаб қўрайлик: юрт ободлиги нимадан бошланади?

Авваламбор, шу юртининг эгаси бўлиши халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг пок ниътлари ва мақсадларидан, лунда қилиб айтганда, кўнгил ободлигидан бошланади.

Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизда мана шундай буюк ва олжановар мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган улкан ишлар онадифиримизни ҳар томонлама обод этиш, уни дунёга танитишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муволага бўлмайди.

Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий, ҳақиқатан ҳам, юз йилларга тенг, Ватанимизни янада обод қилишга қаратилган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз буларнинг барчасининг асосчи ва бунёдкори деб Президентимизни таърифлаш бежиз эмас.

Хар сафар мамлакатимиз раҳбарининг улкан қурилиш майдонларида бўлиши билан боғлиқ лавҳаларни телевидение орқали кузатар эканмиз, бу Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Хива, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон ва бошқа бетактор шаҳарларимизни обод этиш бўлидини, Миллий бог, Мустақиллик майдони, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи сингари мухташам қошоналарни бунёд қилиш бўлади, Ҳазрати Имом, Регистон, Шоҳизинда, Имом Бухорий, Баҳоддин Нақшбанд қадимжоларини (бу

рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин) тубдан таъмирлаб, қайтадан муқаддас зиёратгоҳларга айлантириш бўлади, ҳар қайси ана шундай муаззам мажмуа ёки майдон, иншоот ёки иморатларнинг лойиҳаси ва қурилиш бўйича у кишининг жуда чуқур ўйланган ва ҳар томонлама асосланган амалий фикрлар билдирганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном олган 2009 йилда «Қишлоқ тараққиёти тоғси, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фарон бўлади», деган эзгу юзани ўзида ифода этадиган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва у бугунги кунда изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда.

Мазкур дастурга биноан, аввало, қишлоқда яшайдиган аҳолининг тақдир ва келажагини ўйлаб, қишлоқларимизнинг архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши ташкил этиш, улларда уй-жой ва ижтимоий иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда ўтган қисқа вақт ичида қишлоқларимизни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январдаги қарорига биноан, қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш ва шу негизда қишлоқларимизни қиёфасини тубдан ўзгариштириш мақсадида «Қишлоққури-

лишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти ташкил этилди ва мазкур институт томонидан замонавий индустриал технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиладиган кўп хонали уй-жойлар, машиий хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда ва кейинчалик вилоят марказларида ўтказилган кўрғазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилди ва тегишли муҳокама-лардан ўтказилди.

Таъкидлаш керакики, юртимизда бу лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари ҳам изчил равишда шакллантирилди. Бунда қишлоқда яқна тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш асосида фаолият олиб борадиган, юртимизнинг ҳар бир минтақасида ўз бўлимига эга бўлган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ташкил этилгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Албатта, қишлоқларимизга замонавий қиёфа бериш, уларнинг кўркига кўрк қўшиш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шартини яхшилаш йўлидаги бундай ишлар учун, аввало, маблағ керак. Бунинг учун эса узоқ мuddатли имтиёзли кредитлаш тизимини йўлга қўйиш лозим. Шу мақсадда Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги қарори асосида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди ва ҳозирги вақтда у муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Мана шундай режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар ва ижтимоий объектлар қурилишнинг экспериментал лойиҳалари учун ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишларини амалга оширишга киришилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

БМТ тизимидаги ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари Қирғизистон жанубида июнь ойида рўй берган ва Ўзбекистоннинг шарқий ҳудудларига катта миқдордаги қочқинлар кириб келишига сабаб бўлган зўравонликлар оқибатида юзага келган гуманитар инқироз чоғидаги Ўзбекистоннинг гоят самарали саяҳатларини юксак баҳолайди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон ҳукуматига БМТ агентликлари билан ўз вақтида яқин ва самарали ҳамкорлик учун чуқур миннатдорлик изҳор этади. Қирғизистонда ваҳшиёна хунрезликлар бошланиши билан Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларида ташкил этилган қочқинлар лагерларига ушбу агентликлар вакилларининг кириб-чиқиши учун дарҳол имконият яратилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг тақлифига биноан БМТнинг резидент-мувофиқлаштирувчиси, ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари қочқинлар лагерларида бўлиб, уларнинг аҳоли билан бевосита таниши, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрсатилган юксак олижаноблик ва амалга оширилган чора-тадбирлардан хайратга тушди.

Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашувлардан кейин БМТ агентликлари, жумладан, БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Болалар жамғармаси, БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури, БМТнинг Гуманитар масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Аҳолишуноблик жамғармаси каби тузилмалар қочқинлар лагерларига ўз ходимларини ва кўрпа-тўшак, озиқ-овқат, сув, санитария-гигиена воситалари, шунингдек, дастлабки тиббий ёрдам тўплаганлардан иборат гуманитар ёрдани юборди.

Июнь ойи охирида қочқинлар ўз мамлакатига қайтиб кетганидан кейин БМТнинг Ўзбекистонга келтирилган гуманитар ёрдани қўшни Қирғизистонга ўтказиб берилди. Шу муносабат билан бизнинг бу борадаги ишларимизга кўрсатган катта ёрдани учун Ўзбекистон ҳукуматига алоҳида миннатдорлик билдирдим.

Умид қиламизки, ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам давом этаверади. Биз қочқинлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорлигимиз БМТ билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Жаноби Олийлари, БМТ тизимидаги ташкилотлар номидан Сизга бўлган энг юксак ҳурмат-эътиромларимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Анита НИРОДИ,

БМТ резидент-мувофиқлаштирувчиси.

2009 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА Астрономия институтининг Майданак обсерваториясида Баҳодир Ҳафизов ва Алексей Сергеев янги кичик сайёрани кашф этишди.

КОИНОТДА «САМАРҚАНД» ПОРЛАЙДИ

Бир қарашда, бу кашфиёт фандаги ақсарият ихтиролар сингари тасодифан рўй бергандек. Лекин ҳар қандай тасодиф ҳам қандайдир қонуниятнинг намоёни экани ҳаммага яқин маълум. Янги сайёранинг кашф этилиши Майданак обсерваториясида узоқ йиллар давомида энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида олиб борилган самарали изланишлар натижасидир.

Сайёранинг очилиш тарихи шундай. 2007 йилнинг анча салқин бўлиб қолган куз тунларидан бирида Баҳодир ва Алексей Майданак обсерваториясининг «А3Т-22» русумли бош телескопи мониторинг тургун юлдузлар фонида тез ҳаракатланаётган бир объектни илғаб қолди.

Бу объектнинг осмон координатларини ва тахминий орбитаси элементларини аниқлаб, Гарвард (АҚШ)даги халқаро Кичик сайёралар марказига юборди. Тез кунда у ердан мазкур объект халқаро каталогларда қайд этилганлиги ва унга дастлабки — «2007 TU2» рақами берилганлиги тўғрисида хабар келди. Ёш олимларнинг кувончи чексиз эди. Тўғри, ҳар бир кашфиёт ортда машаққатли меҳнат ётади, лекин омад ҳам кўлиб боқуши керак. Ахир Марказдан улар очган сайёра аллақачон кашф этилганлиги ва халқаро каталогларда фалон рақам билан қайд этилганлиги тўғрисида жавоб келиши ҳам мумкин эди-ку. Бундай ҳоллар кам учрайди, дейсизми.

Лекин бу ҳақиқатан янги сайёра деб ҳулоса чиқаришга ҳали эрта эди. Гап шундаки, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, кичик сайёранинг Қўёш атрофида айланиш даври

тахминан 4 йилни ташкил этади. Бу — унинг орбитасини тўлиқ аниқлаш узоқ кузатишларни талаб этади, демакдир. Сайёра яна икки йил узулуксиз кузатилади ва унинг орбитаси элементлари юқори аниқликда топилди. Нихоят, 2009 йилда халқаро Кичик сайёралар марказидан бу, ҳақиқатан ҳам, ҳеч ким томонидан кузатилмаган янги кичик сайёра экани ва у энди халқаро каталогларда доимий 210271 рақами билан қайд этилгани тўғрисида хабар келди.

Ҳозирда маълум кичик сайёралардан бешинчиси бўлиб, Булар «Ўзбекистония», «Авиценна», «Улғубек», «Беруний» ва «Хоразмий» номлари билан аталган кичик сайёралардир. Бу номлар турли йилларда хорижлик астрономлар томонидан кашф этилган кичик сайёраларга мамлакатимиз ва буюк бобоқалонларимиз хизматларининг эътирофи сифатида берилган. 210271 рақамли сайёра эса Ўзбекистонда ilk бор очилган кичик сайёрадир. Шунинг эътиборига олинганда, олимларимиз мазкур сайёрага ном беришнинг илтимос қилиб, Президентимиз Ислом Каримовга мурожаат этишди. Юртбошимизнинг тақлифи билан кичик сайёрага жаҳоннинг энг кўна ва гўзал шаҳарларидан бири, астрономия фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган Самарқанд шаҳрининг номи берилди. Бу ҳақда Гарварддаги халқаро Кичик сайёра марказининг 2010 йил 27 майдан чоп этилган 70135-сонли циркулярида хабар берилган.

Хозирда маълум кичик сайёралардан бешинчиси бўлиб, Булар «Ўзбекистония», «Авиценна», «Улғубек», «Беруний» ва «Хоразмий» номлари билан аталган кичик сайёралардир. Бу номлар турли йилларда хорижлик астрономлар томонидан кашф этилган кичик сайёраларга мамлакатимиз ва буюк бобоқалонларимиз хизматларининг эътирофи сифатида берилган. 210271 рақамли сайёра эса Ўзбекистонда ilk бор очилган кичик сайёрадир. Шунинг эътиборига олинганда, олимларимиз мазкур сайёрага ном беришнинг илтимос қилиб, Президентимиз Ислом Каримовга мурожаат этишди. Юртбошимизнинг тақлифи билан кичик сайёрага жаҳоннинг энг кўна ва гўзал шаҳарларидан бири, астрономия фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган Самарқанд шаҳрининг номи берилди. Бу ҳақда Гарварддаги халқаро Кичик сайёра марказининг 2010 йил 27 майдан чоп этилган 70135-сонли циркулярида хабар берилган.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 июль

Бир рақам шарҳи

2010 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофазаси, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси тизимида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми

114,3 фоиз ўсди.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КўПАЙДИ, ХИЗМАТ КўЛАМИ ОШДИ

Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестицион лойиҳалар, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбон маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш дастурларининг ижроси изчил таъминлаётгани тўғрйли ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йилгилиши бўлиб ўтди. Унда «Йод этишимизни касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ижро этилишига оид назорат-таҳлил натижалари муҳокама қилинди.

ЙОДЛАНГАН ТУЗ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Шу боис истиқлолнинг ilk йилларидан бошлаб аҳолини, айниқса,

оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазаси қилиш, ёш авлоднинг етук ва баркамол қилиб вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 4-бетда).

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР, ШОВ-ШУВЛИ НАТИЖАЛАР



Кўхна китъа зафари.

Мана, кўз очиб юмгунча бир ой ҳам ўтиб кетди. Футбол байрами ойи эди бу. Чунки бундай тадбир тўрт йилда бир бор бўлади. Бу ўйинларни бутун дунё интиқиб кутади. Керак бўлса, унга алоҳида тайёргарлик қўрилади. Назаримизда, миллионлаб мухлису мутахассислар энтиқиб кутган XIX жаҳон чемпионати ҳам бир зумда пойғига етгандек. Чунки ҳамюртимиз Равайн Эрматов бошқарган биринчи ўйин — Жанубий Африка Республикаси ва Мексика миллий терма жамоалари ўртасидаги баҳс ҳам ҳаёлимизда худди кеча бўлиб ўтгандек гўё.



Гарчи бундай нуфузли турнир Африка қитъасида илк бор ташкил этилган бўлса-да, уни мезбон давлат — Жанубий Африка Республикаси ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтказди. Ишқибозларга олам-олам кувонч ва шодлик улашган мундиалнинг 64 та футбол учрашуви ўзига ҳос воқелиқларга бой бўлди. Уларни ҳеч иккиланмасдан мазмунли спектрда қиёслаш мумкин. Сирасини айтганда, мана шу ўтган бир ой мобайнида дунё «миллионлар ўйини» аталмиш футбол билан нафас олди, у билан яшади. Жумладан, жаҳон чемпионати мобайнида Бразилиядаги мактабларда ўқувчиларнинг миллий терма жамоаси либосида дарсга қатнашларига рухсат берилди. Кўпга мамлакатлардаги қорхона ва маъсасаларда ходимлар футбол баҳсларини томоша қилишлари учун иш вақтидан озод этилдилар...

Утган ойднинг 11 июнида бошланган XIX жаҳон чемпионати кунни кеча ўз пойғига етди. Ҳаяжонли давларни тўхфа этган Германия ва Уругвай терма жамоалари ўртасидаги учрашуви якунида мазкур мусобақанинг илк совриндори маълум бўлди. Таъкидлаш керак, ярим финалда Испанияга имкониятни бой берган Германия ушбу ўйинда яқол фаворит сифатида эътироф этилган. Аммо баҳс олдидан оммавий ахборот воситаларида жамоа сардори Филипп Ламинг майдонга тушишни хошламаётгани тўғрисидаги хабарлар тарқалди. Бундан ташқари, шу босқичга қадар етиб қелишга катта хисса қўшган Мирослав Клозе ва

дан чиққанди. Аммо шу вақтгача дарвозани ишончли қўриқлаб келётган Муслернинг қўлпал хатолари тўғрисида яна икки тўп ўтказиб юборилди. Натижада Германия терма жамоаси кетма-кет иккинчи бор жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди. Очиги, мундиал аввалида ҳеч ким Уругвайнинг бу босқичга қадар етиб қелишига ишонмаганди. Шу боис турнирнинг энг кутилмаган натижасини мазкур терма жамоа қайд этди, деб ҳисобланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Оскар Табарес ҳар бир чизикка муносиб футболчиларни топа олган. Айниқса, жамоанинг ҳужум тандеми (Диего Форлан ва Луис Суарес) жуда ажойиб ҳаракат қилди. Мусобақа давомида Форлан бешта, Суарес эса учта гол киритгани бунинг исботидир.

Энди финал ўйини ҳақида тўхталаск. Шу пайтгача ўтказилган жаҳон чемпионатларида Голландия терма жамоаси икки бор финалда ўйнашга муваффақ бўлганда, мундиал давомида галаба қозонадиган жамоани тўғри топди. Хусусан, у таҳмин қилган ўйинларда учинчи ўрин учун кечган Германия — Уругвай ҳамда Голландия — Испания ўртасидаги финал ҳам бор эди. Олднинг фақат Германия иштирокидаги учрашуларда голиб бўладиган жамоани аниқлаган Пауль финалда ким ютиқини топишда ҳам адашмади.

Шу тариха миллионлаб мухлисларни гоҳ шодликка, гоҳ қайғуга солган мундиал нихосига етди. Энди яна тўрт йил ана шу мусобақа соғинчи билан яшаймиз. Умид қиламики, 2014 йил «футбол ахунгарлари» юрти — Бразилия мамлакатиде бўлиб ўтадиган XX жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Фозилдин АБИЛОВ.

Кўёшдан 2,8 астрономик бирлик масофасида (бир астрономик бирлик Кўёш билан Ер орасидаги ўртача масофа бўлиб, у 150 миллион километри ташкил этади) яна бир сайёра жойлашган бўлиши керак. Лекин бу сайёрани узоқ вақт давомида ҳеч ким кашф этмаган. Нихоят, XIX асрнинг биринчи кунини

Кунни кеча биз яна астероидлар билан боғлиқ бир оламшумул космик лойиҳанинг гувоҳи бўлдик. Шу йилнинг 13 июни кунини Япония космик агентлиги (JAXA) Итокава астероиди томонидан 7 йил аввал учирган Хаябуса космик аппаратининг қайтишини телевизорлар орқали кузатдик. У

парвоз Итокава кометасига бўлган сафардан анча мураккаблиги тўғрисида аниқлаш жиддий тайёргарликни тақозо этади. Жумладан, ҳозирда «Хаябуса Mk-2» космик аппарати учун махсус ион двигателларини яратиш устида кизгин иш олиб борилаётган. Бундай двигателлар космик аппаратнинг юқори тезлигини ва маневрлилигини таъминлайди. Бундан ташқари, Вильсон-Харрингтон кометаси тўғрисида ҳам батафсил маълумот тўплаш зарур. Бу ишга Майданак обсерваторияси телескопларини жалб этиш имконияти ҳам муҳокима қилинмоқда.

Энди «Самарқанд» кичик сайёрасига қайтаск. Самарқанднинг тарихи, мейморий обидалари, хунармандчилиги, ширин санъаткорлари, олим уфозолари ҳақида жуда кўп ёзилган. Бу ишга кўл урган инсон кўпчиликка аён бўлган гапларни яна такрорлашга мажбур. Шунга қарамай, биз бу шаҳар билан боғлиқ бир маълумотни келтирмоқчимиз. Минг йиллар давомида Самарқанд Ўзбекистоннинг қадимий маданий худудларидан бири — Сўғднинг пойтахти бўлган. X асрда яшаб ўтган тарихчи Бузруғ ибн Шаҳриёр ўзининг «Ҳиндистон ажойиботлари ҳақида китоб»ида бугунги Арабистон денгизининг бир қисми қачонлардир Буюк Самарқанд денгизи деб аталгани тўғрисида маълумот қолдирган! Бу самарқандлик савдогарларнинг савдо-сотих қамрови ниҳоятда кенг бўлгани ва улар мамлакатдан йироқ худудлардаги тижоратларда ҳам етакчи роль ўйнаганларидан далolat беради.

Энди бу азим шаҳарнинг номи самоларда абадийлаштирилди: бундан буюн «Самарқанд» «Ўзбекистония», «Авиценна», «Улугбек», «Беруний» ва «Хоразмий» каби сайёралар қаторида абадулабад мамлакатимизнинг Коинотдаги кичик сайёралар форумидаги вакили бўлиб қолади.

Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ, ЎзФА Астрономия институти директори.

КОИНОТДА «САМАРҚАНД» ПОРЛАЙДИ

да, яъни 1801 йилнинг 1 январиде сицилиялик астроном Жузеппе Пиацци мазкур сайёрани оқди ва унга қадимий римликларнинг ҳосилдорлик маъбудаси, Сицилия раҳнамоши Церрера номи берди. Лекин кўп ўтмай Церрера яқинида яна бир неча сайёра очилди. Бу сайёралар катта сайёралардан фарқи ўлароқ, телескопда гардишсимон объектлар эмас, балки кичиклиги тўғрисида «юлдузсимон» бўлиб кўринган. Шу тўғрисида улар астероидлар, яъни «юлдузсимон» объектлар деб аталган.

Ҳозирда Марс билан Юпитер оралигида бир неча юз минг кичик сайёра — астероидлар «белбоғ» ҳосил қилиб ҳаракатланади. Улар қачонлардир бу белбоғда шакллана олган катта сайёранинг парчалари ҳисобланади. Астероидларнинг таркиби ва хусусиятларини ўрганиш катта илмий аҳамият касб этади. Чунки катта сайёралардан фарқли ўлароқ, бу жисмларнинг моддаси эволюция жараёни натижасида ўзармаган ва ўша бөлгангич ҳолда сақланиб қолган. Уларни тадқиқ этиш натижасида Кўёш тизими қандай моддадан ва қай тарихида вужудга келганлигини аниқлаш мумкин.

2003 йилда Итокава астероиди томон учурилиб, 2005 йилда унга қўндирилган ва махсус ускуна ёрдамида астероид юзасидан модда олишга муяссар бўлган. Қўтилгандек, Хаябуса атмосферизмининг зич қатламларига кириб, ёниб кетишдан олдин астероид моддаси солинган капсулани Австралия худудига туширишга улгурган. Келтирилган моддани ўрганишдан олимлар катта натижалар кутишмоқда. Булар ҳақида Тошкентда шу йилнинг 21 — 25 июни кунлари бўлиб ўтган Майданак обсерваториясида амалга оширилаётган кузатув дастурлари иштирокчиларининг халқаро анжуманида JAXA вакили, профессор Сейитгар Уракава батафсил маълумот берди. У JAXA томонидан режалаштирилаётган янги «Хаябуса Mk-2» лойиҳаси тўғрисида ҳам айтиб ўтди. JAXAнинг эндиги нишони Вильсон-Харрингтон кометаси экан. Бу

Энди бу азим шаҳарнинг номи самоларда абадийлаштирилди: бундан буюн «Самарқанд» «Ўзбекистония», «Авиценна», «Улугбек», «Беруний» ва «Хоразмий» каби сайёралар қаторида абадулабад мамлакатимизнинг Коинотдаги кичик сайёралар форумидаги вакили бўлиб қолади.

Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ, ЎзФА Астрономия институти директори.

ОБ-ҲАВО (13 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд 21 болалар мусика ва санъат мактабидан бир нечаси ўтган йили жорий ва мукаммал таъмирланиб, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган эди.

МАКТАБЛАРГА — МУСИҚА ЖИҲОЗЛАРИ

Яқинда Қораўзақ туманидаги пухта таъмирдан чиқарилган 16, Тўрткўлдаги 3-болалар мусика ва санъат мактабларининг 400 миллион сўмликдан зиёд қолғу асбоб-ускуналари, зарур жиҳозлар келтирилди. — Мавжуд болалар мусика ва санъат мактабларидан 6 тасини қайта таъмирлаш, 12 тасини қайта қуриш 2010 йил дастига киритилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Ш. Аҳмедов. — Мавжуд болалар мусика ва санъат мактабларининг 400 миллион сўмликдан зиёд қолғу асбоб-ускуналари, зарур жиҳозлар келтирилди. — Мавжуд болалар мусика ва санъат мактабларидан 6 тасини қайта таъмирлаш, 12 тасини қайта қуриш 2010 йил дастига киритилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Ш. Аҳмедов.

ХУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР! ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент ирригация ва мелиорация институти (ТИМИ) Марказий Осиёда сув ҳўжалиги соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига салмоқли ҳисса қўшаётган нуфузли олий ўқув юртиларидан биридир.

Бугунги кунда институт АКШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Испания, Исроил, Жанубий Корея, Хитой, Янги Зеландия, Чехия, Швеция, Россия, Украина ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шу билан бирга, NZODA, TACIS, TEMPUS, INTAS, ZEF, UNESCO, USAID каби халқаро дастурлар ва лойиҳалар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Институтда 410 нафар профессор-ўқитувчи талабаларга дарс беради.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти 2010/2011 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида қуйидаги бакалаврият йўналишларига қабул эълон қилади:

- касб таълими: ер тузиш ва ер кадастри;
- касб таълими: сув ҳўжалиги ва мелиорация;
- касб таълими: гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш;
- иқтисодиёт (сув ҳўжалигида);
- менежмент (сув ҳўжалигида);
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит (сув ҳўжалигида);
- сув омборлари гидрологияси;
- электр энергетикаси (сув ҳўжалигида);
- автоматлаштириш ва бошқарув (сув ҳўжалигида);
- геодезия, картография ва кадастр (сув ҳўжалигида);
- гидротехника қурилиши;
- фермер ҳўжалигини бошқариш ва юритиш;
- ер тузиш ва ер кадастри;
- ирригация тармоқлари ва сув энергиясидан фойдаланиш;
- сув ҳўжалиги ва мелиорация;
- сув ҳўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш;
- қишлоқ ва яйлалар сув таъминоти;
- сув ҳўжалигида мелиоратив, транспорт машиналари ва қурилмаларидан фойдаланиш, уларга сервис хизмати кўрсатиш;
- суғориладиган ерларда мелиоратив тизим;
- гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш;
- сув ресурслари ва улардан фойдаланиш;
- ирригация, мелиорация машиналари ва жиҳозлари;
- экология ва атроф-муҳит муҳофазаси;
- ҳаёт фаолият хавфсизлиги.

Институтга кириш истагида бўлган абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3,5x4,5 см. ўлчамдаги 6 та фотосурат;
- 086/У-шакл бўйича тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадор гувоҳнома шахсан кўрсатилди. Ҳужжатлар 2010 йилнинг 20 июлигача қабул қилинади. Консултациялар 2010 йил 24 июлгача ўтказилади. Тест синовлари Давлат тест маркази томонидан 2010 йил 1 август кунини ўтказилади.

2010/2011 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида қуйидаги магистратура мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади:

- тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- менежмент (тармоқлар бўйича);
- электр таъминоти (тармоқлар бўйича);
- технология жараёни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича);
- геодезия ва картография;
- гидротехника иншоотлари;
- селга қарши ва ўзан ростлаш иншоотлари;
- ер тузиш ва ер кадастри;
- ГЭС биноси ва иншоотлари;
- гидромелиорация;
- мелиорация, рекультивация ва ерлар муҳофазаси;
- сув ресурслари муҳофазаси ва улардан комплекс фойдаланиш;

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилди. Ҳужжатлар 2010 йил 30 июлгача қабул қилинади. Консултациялар 2010 йилнинг 12 июлидан 30 июлгача ўтказилади.

Синовлар 2010 йил 3—10 август кунлари қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади:

- танланган мутахассислик бўйича (махсус фанлар);
- демократик жамият қуриш назарияси асослари.

Магистратурага кириш истагида бўлганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли ҳамда унинг иловаси;
- 086/У-шакл бўйича тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси.

Мурожаат учун манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Кори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, Тошкент ирригация ва мелиорация институти. Телефонлар: (8-371) 237-09-75, 237-46-68. Мўлжал — метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати. Веб-сайт: www.tiim.uz E-mail: admin@tiim.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳриратта келган қўлхатлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. У.А. якуни — 22.40. Топширилди — 23.10. 1 2 3 4 5